

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШҲАБАРЛАР

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

«ПРАВДА» колхозин клуби ҳузурида ташкил этилган бир йиллик бичиш-тичиш курсини 20 нафар хотин-қиз битириб чиқди. Курсни тамомлаганлар турли фасонда кийим-кечаклар тикишни ўрганиб олишди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти аёлларнинг истатини инобатга олиб, хотин-қизлар университети ташкил этди. Университетда дастлабки машғулот бўлиб ўтди.

К. ХАМРОЕВ,
Оржоникидзе райони.

БОЛАЛАР МАГАЗИНИ

ПОИТАХТИНИНГ «Болгарские огороды» массиви тобора обод ва кўркам бўляпти. 209 қурилиш бошқармасининг бинокорлари массив аҳолисига ётоқхона, иккита турар-жой биноси, 140 ўрилли болалар богчасини соғға этишди.

Қўли тул қурувчилар кун кеча яна бир бинони фойдаланишга топширдилар. Бу беш қаватли уйнинг биринчи қаватига болалар магазини жойлашган.

Магазинида 4 та бўлим бўлиб, оёқ кийимлари, трикотаж, газламалар, турли ўйинчоқлар сотиладди. — дейди магазини мудири Н. Черникова.

И. РУСТАМОВ.

САНЪАТКОРЛАР СОВХОЗДА

ЯҚИНДА 2-«Оҳангарон» совхозининг ёзи клубида етук санъаткорлар иштирокида катта концерт кўрсатилди. Пахтакорлар Халифа Мовлонова, Эргашон Мирмахмудова, Шоиста Муллажоннова, Қувондиқ Искандаров, Мухаббат Мусаева юрро отган қўшиқларни мароқ билан тингладилар.

М. САРИМСОҚОВА,
Ўрта Чирчиқ райони.

КҮН ТАРТИБИДА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТЕМАСИ

ОБЛАСТЬ партия комитети ва область «Билим» жамияти ташаббуси билан ўтказилган кенгаш-семинар ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланди. Семинар қатнашчилари «Билим» жамияти ҳарбий секциясининг раиси В. Казаковнинг «Ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг форма ва методлари», республика ҳарбий комиссари генерал-майор К. К. Карамовнинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва янги қонуни» деган темада лекцияларини тингладилар. Лекциялар давомида ҳужжатли фильмлардан фойдаланилди. Пировардига тингловчилар Туркестон ҳарбий округи ҳузуридаги «Жанговар шухрат» музейини бориб, томона қўшиди.

Ж. МҶИНОВ.

ЕШ ШИФОКОРЛАР

РЕСПУБЛИКА медицина техникумин битирган 300 нафар йиллик-қиз республиканинг турли район ва қишлоқларига жўнаб кетишди.

Техникум бу йил 400 дан ортиқ студентни қабул қилди.

Т. МАМАСОЛИЕВ.


ДЕПУТАТ ВА НАКАЗ

КПСС Марказий Комитети «Меҳнатқиллар» депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишнинг янада яхшиланши тўғрисида қарор қабул қилганига бир йилдан ошиб қолди. Бу тарихий қарор айниқса аҳолига яқин бўлган маҳаллий Советлар ролини оширишда катта аҳамият касб этди.

Партиянинг қўйётган юксак ва масъулиятли вазифа маҳаллий Советлар ва унинг доимий комиссиялари масъулиятини янада оширади. Қишлоқ Советининг унинг депутатлари ўз ишини қарор асосида қайта қўриб олдилар.

Қишлоқ Советининг йигини ва сессиялари кун тартибига асосан ҳалқ маорифи, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш, қишлоқ аҳолисини маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, территориянинг ҳўжаликлар экономикасини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинади ва ана шу масала қабул этилади. Масаланинг ҳаётийлиги шунданки, қишлоқ Совети сессияси ва йўроно комитет йиғилишлари кун тартибига киритилган қандайд масала бўлмасин, ана шу соҳа бўлича масалани доимий комиссия аъзоларининг ўзлари тайёрлаб, қабул қилинган қарорларнинг иқроси устидан ҳам ўзлари назорат қиладилар. Бундан ташқари қишлоқ Советининг мажлис саккизи доимий комиссияси ўз фаолиятлари ва бажарган ишлари юзасидан ҳисоб бериб боришади.

Қишлоқ Советига 83 киши депутат қилиб сайланган. Қишлоқ ҳўжалиги итгровлари, маориф ва маданият ҳодимларидан иборат депутатлар ўз иш фаолиятларини қишлоқнинг ободонлаштиришга, сайловчилар нақзанини бажаришга қаратмоқдалар. Чиндан ҳам депутат аҳолининг Советлардаги вақили. Шундай экан, ҳалқ нақзи депутат учун юксак ишонч, ба-



ИНСТИТУТДА ЯНГИ БЎЛИМ

Академик Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текиншир институтида олиб борилаётган тадқиқотлар қулами кейинги йилларда кенгайиб кетди. Иккинчи иқлим шароитида ўстириладиган мева-дарактларин республика-камиз шароитида мослаштириш борасидан илмий қулатиш ишлари ҳам икжой натижаларини бериюнда.

Бу соҳадаги тадқиқотларин кенг йўлга қўиш мақсадила илмий муассаса ҳузурида йилгиде янги бўлим ташкил этилди. Тажриба ишлари олиб бориш учун алоҳида майдонлар ажратилди.

Янги бўлим иштироида теплица ҳам бўлади. Бир гектар майдонни ишғол этадиган бу теплица қурилиши бошлаб юборилди.

Бу бўлимининг очилиши билан Тошкент мева-сабзавот техникуми учун катта қулайлик туғилди. Институт ҳузурида техникум учун янги ташкил этилган штурес ўсимликлари гуруҳаси мажмур бўлим базисиде иш олиб боради.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Чирчиқ электрохимия комбинатининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Омон Йўсубов бошлиқ 3-цех коллективни ойма-ой пайларини ошириб бажармоқда. Май ва июнь ойларининг ўзидеқ пландагидан ташқари бир неча миң тонна минерал ўғит ишлаб чиқарди.

Тошпириқларини зиёдадан адо этиш қатори, — дейди Омон Йўсубов, — мажсулотнинг сифатли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилишимиз. Шу мақсадла ишлаб чиқариш маданиятини оширмоқдамиз, янги асбоб-ускуналарни жорий қилишимиз.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

ПОИТАХТИМИЗДАГИ Са пёрлар майдонини жуда ҳам гўзаллаштириб кетди. У ердаги улкан «Россин» меҳмонхонаси, ажойиб моделлар уйи янада савлат тўкиб турибди. Суратда: Сапёрлар майдони.

ТҲЙГА ТУҲФА

Тошкентдаги 1-ишлаб чиқариш комбинати коллективни ўтган йили Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Президиуми ва Ўзбекистон Министрлар Советининг эсдалик байроғини олишга муассар бўлган эди. Бу коллектив бу йил ҳам самарали меҳнат қилиб катта галабаларини қўлга киритган. Улар беш йилликни 4 йилда бажариш мажбуриятини олишган. Ваъдаларининг устидан чиқиб, беш йилда пландагидан ташқари 650 миң сўмлик мажсулот тайёрлаш учун фидокорона ишламоқда. Меҳнатсеварлар беш йилликнинг учинчи йилининг ўтган ойлариде пландагига қўшимча 120 миң сўмликдан зиёд мажсулот тайёрлашди. Ўзбекистон кўрлар жамиятига қарашли бу комбинатдаги цехларро мусобақада 1 ва 3-цехлар коллективлари пешқадамлик қилишмоқда. Улар ойлик

тошпириқларини 118—125 процентга етказиб бажаришди. Корхонанин жуда кўп еш ишчилари ВЛКСМнинг 50 йилдигини арзғулик туҳфалар билан кутиб олиш учун курашди. М. Обдуқулова, В. Қоленкова, Т. Хисомиддинова, И. Сафарниязов ўртоқлар ва бошқа ешлар айниқса самарали ишламоқда. Нормаларини 130—145 процентдан ким бажаришмапти.

Т. НАЖМИН.

ТАРМОҚ ГРАФИГИ АМАЛДА

Институтимиз коллективни жуда катта ҳажмдаги лойиҳалаш ишларини амалга оширмоқда. Ҳар йили 10 миңгача янги айрим лойиҳалар ишлаб чиқилимоқда. Бу масъулиятли ишда жуда кўп бўлимлар ва гуруҳлар иштирок этмоқда. Айрим комплекс объектларни лойиҳалашда республикамизнинг қатор лойиҳалаш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинади.

Шундай шароитларда лойиҳалаш жараёсининг пуқта боп-қилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Барча лойиҳалаш ташкилотлари ўз вазифаларини кай-қилишлари керак бўлади. Уларнинг фаолиятини доим мослаштириб бориш керак. Лойиҳалашни бошқаришнинг аски усуллари қўлланилганда бу жараёнинг пуқта бошқариш жуда маънақатли бўлади. Шу ерда планлаштириш ва бошқаришнинг тармоқ усули жуда кўп келади. У барча масалаларни тез ва сифатли ҳал қилиш имконини берапти.

Институтимиз коллективининг тажрибаси бунга далил бўла олади. Бизда тармоқ планлаштириш усули икки йилдан бери қўлланилماпти.

Янгиликни жорий қилиш учун кенг қўламада тайёргарлик ишлари олиб борилади. Қадрларини янги усул билан таъинлаш борадида анча ишлар қилинди. Ҳодимларимиздан 10 киши нидан акралган ҳолда Москвадаги индустриал инженерлар тайёрловчи ва Тошкент политехника институтлари ҳузуридаги тармоқ планлаштириш курсидада ўқинди. 40 дан ортиқ лойиҳачи институтимизда ташкил этилган семинар машғулотларида ва Тошкент политехника институтиде нидан акралмаган ҳолда янгиликни ўргатдилар. Институтнинг ишлаб чиқариш бўлими ҳузурида планлаштириш ва бошқаришнинг тармоқ усули гуруҳаси ташкил этилди. Бу гуруҳа саставида тўрт мутахассис иш-ламоқда.

Янгилик икки йўналишда жорий қилинди. Биринчиде, биз қурилиш ташкил этиш лойиҳаси (лоиҳа тошқирити бажарилаётган вақтда) саставида уни қуриш учун тармоқ графиги ишлаб чиқилишди. Бу биз учун янгиликдир. Иккин-

чидан, объектларни лойиҳалаш учун ҳам тармоқ графиги тузилапти. Инженерлардан В. Дегтярев ва В. Кузнецовнинг ўртоқлар тузган график асосида Самарқанд областида ветеринария илмий-тадқиқот институти комплекси қад қўтармоқда. Пил охиригаче бешта йирик объектларни қуришни ташкил этишнинг тармоқ графигини тайёрлаш мўлжаллаб турибмиз. Шунга айтиш керакки, бу соҳада биз олиб бораётган дастлабки ишлар яхши натижа беради. Эндиледа бу ишларни янада такомиллаштиришга ҳаракат қилишимиз.

Лойиҳа тошпириғи бажарилаётган вақтда қурилиш учун тармоқ графигларини ишлаб чиқиб қурилиш ташкилоти қатори казачи ҳам катта ёрдам беради. Чунки қурилиш ишлари тўғри планлаштирилди ва пуқта ташкил этилади.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ—МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

зарур асбоб-ускуналар ўз вақтида казач қилинчади ва уларнинг қурилиш келиши устидан назорат ўрнатилади. Тармоқ графиги асосида лойиҳа тузилиши учун катта бўлган объектлардан бошланади. Янгибўла районидаги Ленин номи колхозининг 50 ўрилли нолан колхозини лойиҳасини тузишда биринчи кўп шунга амал қилинди. Сўнгра анча мураккаб объектлар лойиҳаси ҳам шу йўл билан тузила бошланди. Ҳозирги вақтда Ўрта-овул станциясидаги гўшт комбинати, Мирзачўлдаги 5-совхозининг йирик посёлкалар тармоқ графиги асосида лойиҳалаштирилди.

Гўшт комбинати посёлкасини лойиҳалашда янгиликнинг қўлланилиши бу усулнинг анчагина афзалликлари борлигини кўрсатиб турибди. Бу комбинат республика гўшт-сут саноатининг зарбдор объектларидан ҳисобланади. Унинг биринчи навбати шу йил ишга туширилиши керак.

Институтимиз коллективини олдинта шу объектни лойиҳасида ҳўжаларни билан қўшма мудат ичиде таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Шунинг учун биз бунда тармоқ графигидан фойдаландик. У лойиҳа-

лаш технологияси бўйича институтда қўлланилаётган усул асосида тузилиди. Бунда барча лойиҳалаш ишларининг бир вақтда бориши ва уларнинг ўзаро боғлиқлиғи ҳисобга олинди. Лойиҳанин у ёки бу қисмининг тайёрлаш учун кетадиган мудат шу қисмларнинг ҳажмига ва институтда қўлланилаётган нормативларга қараб белгиланди. Ҳисоб-китоблардан сўнг лойиҳаланиннинг умумий мудатини 206 кун қилиб белгиланди. Лойиҳаланин барча жараёнини эса 26 та муҳим қисмдан ташкил топди. Ҳозир ана шу тартиб асосида лойиҳалаш ишлари амалга оширилмапти. Тармоқ планлаштириш ва бошқариш гуруҳаси бу ишнинг бориши устидан назорат қилиб турибди.

Ҳозирги вақтда 3-устахона коллективни пиллага дастлабки ишлов берувчи тўртга база лойиҳасини тармоқ графиги

ри, экспертиза ва бошқалар иштирок этади. Лойиҳанин ўз вақтида тахт қилиниши ана шу барча зевенларнинг аниқ ва ўзаро келишиб ишланшига боғлиқ. Шундагина тармоқ графигларини комплекс жорий қилиш мумкин.

Планлаштиришнинг тармоқ системасини жорий қилиш йўлида биз амалга оширган тадбирлар катта ва муҳим ишнинг дебосасидир, ҳолос. Биз тузлаган оғина тажриба ҳам бу прогрессив усулнинг афзалликлари, шубҳасиз, небот этиб турибди. Тармоқ графиги қўлланилганда раҳбарлар асосий эътиборини ишнинг қоқоқ ва оғир участкаларига қаратадилар. Янгилик энг асосий ва иккинчи даражали вазифаларни бир-бирдан фарқ қилишда ёрдам беради. лойиҳалаш мудатларини қисқарттиради, лойиҳачилар меҳнат ушқдорлигини оширишга ёрдам беради.

Шундай экан, лойиҳалашда тармоқ графиги системасини кенг қўлланишга эришиб керак. Бунинг учун республика миқёсида қатор тадбирларни зудлик билан амалга ошириш талаб этилади. Аввало тармоқ планлаштиришнинг жорий қилиш юзасидан семинар ташкил этиш мақсадада мувофиқдир. Семинар машғулотларига лойиҳалаш ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, бўлимлар ва устахоналарнинг бошлиқлари ташкил этилиши лозим. Улар ишларини қўлланиш соҳасида дастлабки ортирилган тажрибани ўзаро ўртоқлаш ишлари, тармоқ графигини қўлланиш йўллариин ўргатишлари зўрур.

Қадрлар ўзунча эътиборини қулайтириш, бу соҳадаги ишларни кескин кенгайтириш керак. Лойиҳалаш институтларига янгиликни жорий қилиш юзасидан конкрет вазифалар тошпирилса ҳам ёмон бўлмас эди. Шундай қилинса бу прогрессив усул тезроқ жорий қилинган ва ундан кўпроқ самара олинган бўларди. Айин вақтда тармоқ графигини қўлланишдан лойиҳачиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласини йўлаб кўриш керак.

Р. ҚОДИРАЛИЕВ.

«Ўзгирисельстрой» институтини бош инженерининг ўринбосари.

МАҲАЛЛИИ СОВЕТЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Шунингдек депутатлардан С. Муҳаммадзонов, Н. Воймухамедов ўртоқлар ҳам «Ленин йўли» колхозини марказидаги йўлларини асфальтлаш ва айрим кўчаларга шағал ётқиришда асосий ташаббускорлардан бўлишди. Х. Мирзақамов, Д. Раҳимов каби депутатларимиз эса Бешқўрғон қишлоғида яшовчи 100 дан ортиқ хонадонни водопровод суви билан таъминлашда бошқиб бўлдилар.

Қишлоғимизда қиёфаси янгиликда, оёқ сайини обод бўлиб бормоқда. Яқинда кўркам манзилни кўнмат кўрсатиш корхонаси кўриб фойдаланишга топширилди. Қишлоқ Совети территориясидаги 6 та мактабга борадиган йўллар ва 4 километрдик йўлларга асфальт ётқирилди. Савдо тармоқлари, бичув-тикув цехлари, уй-ўрғор-бўюмларини ремонт қиладиган тоқсалаҳ аҳолига мануали хизмат кўрсатди.

Қишлоқ Совети депутатларининг ҳиммати билан 1500 дан ор-

тис хонадон ҳозир табиий газдан фойдаланмоқда.

Қишлоқ Совети территориясида янги ҳўжалик — Охунбобоев ва «Ленин йўли» колхозлари бор. Бу ҳўжалик коллективни зиммасига пойтахт шаҳар аҳолисини сабзавот, картошка, полз ёкиндилар мажсулот билан таъминлашдек юксак ва масъулиятли вазифа юклатилган. Қишлоқ Советининг 50 депутати дала ишларида жонбонлик кўрсатиб, умумҳалқ ишига катта ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, ишнинг кўзини билган депутатлар ҳиммати билан ҳар ким ҳўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг, айниқса, ҳалол меҳнатдан кейини мароқини ва маданият ҳам оилиларини уюштиришда ҳам депутатларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўляпти. Территориямиздаги мавжуд кинотеатр ва клублар кечкурунлари қишлоқ меҳнатқиллари билан гавжум бўлади. Маҳаллий бюджет ҳисобига қурилган 6 кутубхона колхозчилар хизматига. Аҳолининг китобга бўлган қизиқишини ҳисобга олиб, бу қирмақчалар турли адабиётлар билан бойитиб боришмоқда. Ҳозир кутубхоналар 20 миң китоб фондига эга. Бундан 3 миңгача яқин китоби фойдаланмоқда.

Депутатлар фақат марказий участкалардаги маданият тармоқларига эътибор беришгина қолмай, балки дала шийонларига, ферма марказларида ҳам қўшма кутубхоналар ташкил этиш, лекция ва суҳбатлар уюштириш ишларига вақт ажратилишмоқда.

Қишлоқ Совети ва унинг депутатлари ҳўжалик экономикасини бунадан кейин ҳам юксалтириш, ҳалқ фаровонлигини ошириш, қишлоқни янада ободонлаштириш йўлида тинмай курашадилар.

М. ПУЛАТОВА.

Калинин райони, Калинин қишлоқ Советининг раиси.

ҚҲНГИРОТ - БЕЙНОВ ҚУРИЛИШИДА

Қўнғирот-Бейнов янги темирйўл трассаси қурилиши тез суръатлар билан олиб боришмоқда. 200 километр узунликдаги бу линия Улуг Октябрь социалистик революциясининг 51 йиллигига фойдаланишга топширилади ва унда темирйўл поездлари қатнай бошлайди.

«Средазестроймеханизация» трестининг 30 ва 66-қўшма қоллалари меҳанизаторлари бу линия қурилишда жадал меҳнат қилишмоқда. Улар ҳозиргача 125 километр масофада тупроқ ишларини амалга оширишди. Меҳанизаторлар ортидан йўл қурувчилар боришмоқда. 22-ремонт поезди коллективни линиянинг тўртдан бир қисмига пўлат излар ётқириб бўлди.

А. ПАШКОВА.

53 МИНГ СЌМ ФОЙДА

Тошкент қорғоз комбинати коллектив В. И. Ленин туғилган кўнининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қўнғиб, меҳнатда яхши натижаларга эришмоқда. Ишчилар беш йиллик учинчи йилнинг олти ойлик планини 26 нолдееқ зиёда билан бажаришган эди. Ой охиригача қўшимча 218 тонна қорғоз, 50 тонна картон ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди.

Комбинат ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари ярим йил давомида белгилангандан 150 миң сўмлик кўп мажсулот ишлаб чиқардилар, қўшимча 53 миң сўм фойда олишди. Илгор қорхона коллективни иккинчи ярим йилликни ҳам юқори кўрсаткичлар билан якунлаш мақсадида шу кўнларда янада самарали ишламоқда.

К. РОГАЧЕВ.



ТОШКЕНТ қўнғалантерее фабрикаси коллективни мажсулотларини харидорбоп бўлини учун курашмоқда. Бичув цехининг илгори раиси А. Болотникова ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

